

Москвада халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтади



14:07 109

2024 йил 5-9 ноябрь кунлари Россия пойтахти Москва шаҳрида «22-Москва халқаро Қуръон мусобақаси» бўлиб ўтади.

Ушбу халқаро мусобақада Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Сайид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Муҳаммадамин қори Олимжонов иштирок этиш учун эртага Москва шаҳрига жўнаб кетади.

Муҳаммадамин қори бугун 5ноябрь куни «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимига келиб, бўлим мудирини устоз, шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ҳафизаҳуллоҳдан керакли кўрсатма ва хайрли дуоларни олди.